O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 26 июль ЧОРШАНБА

№ 58 (11.861)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг 15 йиллигига

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Мана, етти йилдирки, мамлакатимизнинг Мустақиллик байрами арафасида «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Кеча Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида ана шу нуфузли танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, «Тасвирий ойина», журналистлар ижодий уюшмалари, ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимлари ҳамкорлигидаги танловда шеърият, журналистика, тасвирий санъат йўналишларида фаол ва сермаҳсул ижод қилаётган, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини тараннум этаётган, фидойи замондошларимизни элюртга танитаётган ижодкорлар изланишларига муносиб баҳо берилди. Унга тақдим этилган асарларнинг хилма-хиллиги, номзодларнинг кўплиги танлов нуфузи ва аҳамиятининг тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Хусусан, бу сафар ҳайъат эътиборига 400 дан ортиқ шеърий, насрий, публицистика ва тасвирий санъат йўналишларидаги асарлар ҳавола этилди.

Дастлаб маданият саройининг кўргазмалар залида илк босқичдан саралаб олинган ижодий ишлар намойиши бўлиб ўтди. Йиғилганлар бу ердаги турфа тасвирий санъат намуналари, фото-этюдлар, шеърий ва насрий асарлар билан танишиб, ўзаро фикр алмашдилар.

Шундан сўнг, вилоят босқичи совриндорини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими бошланди. Шеърият йўналишида паркентлик иқтидорли шоир Усмон Бек, Бўстонлиқ туманидан Жамила Султон ва чирчиқлик ёш қаламкаш Шаҳноза Равшановалар ғолибликни қўлга киритдилар. Чирчиқлик ёш мусаввир Фурқат Усмонов, оққўрғонлик Собир Махсимов, Ангрен вакили Эркин Жўраев мўйқаламига мансуб асарлар тасвирий санъат йўналишида совриндор, деб топилди. Журналистика йўналиши бўйича «Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлим мудири Ғайрат Шералиев, Ўртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири Ҳамид Норқулов ҳамда «Бекобод ишчиси» газетаси масъул котиби Матлуба Хожимуродованинг матбуотда эълон қилинган долзарб мавзулардаги мақолалари юқори баҳоланди.

Совриндорларга мукофотларни Ўзбекистон халқ шоири, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Республика Бадиий Академияси академиги, халқ рассоми Баҳодир Жалолов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов топширдилар.

Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зиёвиддин Ниёзов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида

Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлар мулкий ҳуқуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу бандда назарда тутилган ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

2. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ хусусийлаштирилмаган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлари томонидан доимий фойдаланиб келинаётган ер участкалари 2008 йилнинг 1 январига қадар эллик йилгача, аммо ўттиз йилдан кам бўлмаган узоқ муддатли ижарага қайтадан расмийлаштирилиши лозим.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи шартномада кўрсатилган муддат тугамасдан тўхтатилиши ёки ижарага олинган ер участкаси майдони қисқартирилиши мумкин.

3. 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари – резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкалари қуйидаги тартибда хусусийлаштирилади:

ушбу Фармон чиққан пайтда амалда эгаллаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик ҳуқуқи билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида;

ер участкаларини якка тартибда уй-жой қурилишига кимошди асосида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда сотиш чоғида, кейинчалик мулкка эгалик ҳуқуқини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

томонлар – кўчмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахснинг аҳдлашуви бўйича якка тартибдаги уй-жойни сотиш ёки ҳадя этиш (яқин қариндошлар бундан мустасно) чоғида мажбурий тартибда.

4. Қуйидагилар белгилансин:

кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорларда якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун берилган ер участкаларини хусусийлаштириш қатъиян бозор нархлари бўйича амалга оширилади;

фуқаролар томонидан якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ер участкаларини олишда илгари тўланган қиймат кимошди савдолари натижалари бўйича ер участкаларини хусусийлаштириш учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади;

хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид қилиш – сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2007 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш чоғида бозор нархларини белгилаш учун асос сифатида қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган ерлар кадастрини ишлаб чиқсин ва апробациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, "Даваркитектқурилиш" давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги 2006 йилнинг 1 октябригача:

юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда бозор қийматини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкалари, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган уларга туташ участкаларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун бериладиган ер участкаларини хусусийлаштириш ва уларнинг бозор қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

ер участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилансинки, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар давлат бюджетига тўлиқ ўтказилади ва 80 фоиз миқдори республика бюджетига ҳамда 20 фоиз миқдори тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштиришда мақсадли фойдаланилади. Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришдан республика бюджетига тушадиган маблағларнинг камида 3 фоизи инвентаризация, муҳандислик инфратузилмаси бош режалари ва схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда тузатишлар киритиш, ер кадастрларини шакллантириш ва иқтисодий зоналарга ажратиш бўйича қилинадиган сарф-харажатларни қоплашга йўналтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 24 июль.

Вилоят фаолларининг йиғилиши

Вилоят фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқарма ва бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, йирик корхона-ташкилотлар мутасаддилари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди. Йиғилишни вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев бошқарди.

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРМОҚ КЕРАК

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Хайитқуловнинг «2006 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларга эришишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди.

Иштирокчилар макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши якунларини муҳокама қилиш чоғида асосий эътиборни тармоқлар ва иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли дастурлари ижросининг боришига қаратишди.

Дастлабки олти ой мобайнида ишлаб чиқариш соҳаларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,3 фоиз юқори бўлди. Бу кўрсаткич саноат ишлаб чиқаришида 3,3, қишлоқ хўжалигида — 0,4, пулли хизмат кўрсатишда — 20,3, маиший хизмат соҳасида — 14,9 фоизни ташкил этди.

Истеъмол, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида муайян силжишларга эришилди. Ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,9 фоиз ошди.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадларига вилоят тижорат банклари томонидан 201,8 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Унинг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади. Йирик корхоналар фойдаси 114,9 миллиард сўмни ташкил этиб, унинг 98 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келди.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ ҳозиргача 19 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Бу борада «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «РГТО заводи», «Оҳангаронцемент», «Ангренгазмаш» очиқ акциядорлик жамиятлари бирмунча муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Нақд пул тушуми кўпайиши ҳам таъминланди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил тус олмоқда. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 69 та қишлоқ хўжалик кооперативлари фермер хўжаликларига айлантирилди. Уларга хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилди. Биринчи ярим йилликда фермер хўжаликлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 57,2 фоизга оширдилар. Пилла ва дон сотиш режалари ортиғи билан бажарилди.

Фаоллар йиғилишида иқтисодиётни, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, дебиторлик қарздорликни камайтириш борасидаги мавжуд ҳолат ҳам таҳлил қилиниб, бу борадаги бир қанча муаммо ва камчиликларни бартараф этиш лозимлиги қайд этилди. Маърузаларда таъкидланганидек, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, молиявий аҳвол яхшиланиб бораётганига қарамасдан, мавжуд имкониятлар ҳамон тўла ишга солинмаётир. Энергетика корхоналари, бир қатор шаҳар ва туманларда қарздорликни камайтириш борасидаги ишлар етарли бўлмаяпти. Тайёр маҳсулотлар қолдиғини камайтириш учун қатъий чоралар кўрилмаётир.

Ижтимоий соҳалардаги аҳволни таҳлил қилиш чоғида фаоллар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, болалар спортини ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтишди. Уй-жой ва коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришни қатъият билан давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Электр қуввати, газ ва сувдан қарздорликни камайтириш, саноат, ижтимоий соҳалар ва уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлашни жадаллаштириш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Таъкидланганидек, бу йилги устувор вазифаларни амалга ошириш ҳар бир раҳбардан юксак масъулият талаб қилади. Шундай ёндошувгина мавжуд қувватлар ва имкониятларни тўла ишга солиш, барча соҳаларни барқарор ривожлантиришни таъминловчи ишончли омил бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

АЁЛЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида тадбиркор аёлларни ўқитиш мақсадида семинар йиғилишлари ташкил этилди.

Машғулотлар ҳудудлар бўйича Оққўрғон, Оҳангарон, Чиноз ва Бўстонликда ўтказилди. Улар вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Машғулотларда маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари, тижорат банклари, меҳнат биржалари, солиқ идоралари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, тадбиркор аёллар қатнашишди. Иштирокчилар микрокредитлар ажратиш жараёни, банкнинг имтиёзли кредитлари ва лизинг хизматлари, мижоз ва банк муносабатларига доир маърузаларни тинглашди.

Бундай анжуманларнинг дастлабки босқичи Бекобод шаҳрида ўтган вилоят семинар-машғулоти билан якунланди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

ЯНГИ ТЎЙХОНА

Ангрен шаҳри маркази яқинидаги шоҳбекат биноси тадбиркор Абдуқодир Бегматовнинг саъй-ҳаракати билан тўла реконструкция қилиниб, тўйхонага айлантирилди.

Республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида фаолият бошлаган бу маскан ўз номи билан «Истиқлол» деб аталди.

— Қисқа вақт ичида бу ерда муҳим саналар билан боғлиқ шаҳар тадбирлари, никоҳ тўйлари, уч авлод учрашувлари ўтказилди, — дейди Абдуқодир Бегматов. — Келажакда шу ернинг ўзида «Гўзаллик салони» ва бошқа маиший хизмат кўрсатувчи шаҳобчалар фаолиятини ҳам йўлга қўйишни мўлжаллаяпмиз.

ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШДА

Умумтаълим мактабларини янги ўқув йилига ҳозирлаш ишлари Оҳангарон туманида барвақт тугалланиши режаштирилган.

Шулар қаторида «Дўстлик» маҳалласида жойлашган 2-, «Сусам»даги 29-, тоғли Эртош қишлоғида фаолият кўрсатаётган 37-, «Санам» маҳалласидаги 33-мактаблар бюджетдан ажратилган 563 миллион 600 минг сўм маблағ ҳисобига реконструкция қилинди.

Шунингдек, «Келажак» маҳалласидаги 43-, «Бирлик»даги 45-, Телов қишлоғидаги 35-умумтаълим мактабларида капитал таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда. Бунинг учун 140 миллион сўмга яқин маблағ сарф этилди.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

ХИТОЙ КИНОФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Жорий йилнинг 28 июлидан Тошкентда Хитой кинофильмлари ҳафталиги ўтказилади. Унда хитойлик киноижодкорлар томонидан яратилган 6 та бадиий фильм намойиш этилади.

Кино санъати ихлосмандлари «Қаҳрамон», «Само ва ер аскарлари», «Шаолин эҳроми» каби тарихий эпопеяларни ҳамда таниқли киноактёр Жеки Чан иштирокидаги машҳур «Полиция академияси» фильми, «Кунг-фу услубида» комедияси ва «Биргаликда» оилавий мелодрамасини рус тилида кўришлари мумкин. Мазкур киноасарлар Хитой киноматографияси ютуқлари ва махсус эффектлардан фойдаланиш қирраларини намойиш этади.

Киноҳафталикнинг ўзига хос томони шундаки, фильмлар кинотеатрларда эмас, Ўзбекистон телевидениеси каналларида кўрсатилади.

«Туркистон-пресс».

Тошкентдаги ўзбек-япон инсон захираларини ривожлантириш марказида Японияннинг хорижий техник таълим уюшмаси, "Тое инжиниринг" корпорацияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Лойиҳаларни бошқариш ва инжиниринг" курси битирувчиларига сертификатлар топшириш маросими ўтказилди.

ЯПОН МУТАХАССИСЛАРИ КЎМАГИДА

Тадбирда Кунчиқар юртнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичиро Кусумото сўзга чиқиб, мамлакатимизда иқтисодий ҳамкорлик ва техник кўмак соҳасидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётганини эътироф этди.

— Ўзгаришлар йўлидан дадил бораётган Ўзбекистонни Япония ўзининг яқин ҳамкори деб билади, — деб таъкидлади элчи. — Мамлакатингиз бой табиий захиралар, улкан кадрлар салоҳиятига эга. Ҳозирги замон бизнес тажрибаларини эгаллаш икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги шериклик муносабатларини янада тараққий этишига кўмак бериши табиий.

«Туркистон-пресс».

Қишлоқ мулкдорлари

ТОНГ ЗАВҚИ

... Шийпон ёнида саф тортган ишлов тракторлари оҳорли тонг сукунатини бузиб, пахта эгатлари бўйлаб шўнғиди. Сўнгги ишлов берилган ғўза ниҳоллари янада гуркираб яшнади. Иш сифатини кўздан кечириб юрган фермер хўжалиги раиси Анорбой Усмонов ҳар бир ғўзада 7-8 тадан кўсак, ўндан ортиқ гул ва нишоналарни санаб чиқар экан, эртанги ҳосил чўғидан кўнглида ажиб қониқиш туйди.

— Тўртинчи культивация ғўза парваришидаги ҳал қилувчи босқич, — дейди фермер ҳозиргина эгатдан чиққан механизаторга. — Парвариш ишларини тугатиб жамоа аъзолари учун бир Бухорога саёҳат уюштирсак, нима дейсан, Ўрол?

— Яхши бўларди, — дейди механизатор қувониб. — Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат...

Анорбой Усмонов бошлиқ «Усмон ота» фермер хўжалиги далалари Ўртачирчиқ туманидаги ҳосилдор ерлардан ҳисобланади. Ўтган йили хўжаликда асосий экин — пахта ва ғалладан 42 миллион даромад олиниб, унинг 18 миллиони соф фойда бўлди. Кўрилаётган даромад ҳисобига хўжаликнинг техник негизи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Жамоа аъзоларининг турмуш тарзи фаровонлашмоқда. Қишлоқда табиий газ, ичимлик суви етарли. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 55-60 минг сўмга тўғри келаяпти.

Аъзоларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳудуддаги умумтаълим мактабларини таъмирлаш, ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказишда кўмаклашиш каби хайрли юмушларга ҳомийлик ёрдами мунтазам кўрсатиб келинмоқда. Шу кунларда хўжалик ҳомийлигида қишлоқдаги 12-умумтаълим мактабида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

— Шу жамоада кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаяпман, — дейди Гулзира Акпанова. — Қиз узатиб, ўғил уйлантирдим. Фермерга раҳмат, тўйларимизни ўтказишда катта ёрдам берди.

Маълумки, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури ижросига кўра, қишлоқ жойларидаги эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга ҳомийлар ҳисобидан қорамоллар тарқатилди. Фермер Анорбой Усмонов ҳам бу ташаббусни қувватлаб, ҳудуддаги 4 хонадонга бир бошдан соғин сигир олиб берди.

— Турмуш ўртоғим ногирон, меҳнатга лаёқатсиз, — дейди хўжалик аъзоси Режан Ғўзаева. — Беш нафар фарзандимиз бор. Каттаси энди дала ишларида менга ёрдам бераяпти. Фермернинг ҳиммати билан қорамоллик бўлдик. Хонадонимизга қут-барака кирди.

Жорий йилда мавжуд 118 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган хўжалик аъзолари ғаллазорлардан 51 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Улар ҳозир 69 гектар пахта майдонидаги ғўзаларни агротехника қоидалари асосида мукаммал парваришлаб, мавсумда ҳосилдорликни 33 центнерга етказишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган "Диёр оҳанглари" фестивали бўлиб ўтди.

ОНА ДИЁРИМИЗ ОҲАНГЛАРИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда пойтахтимиздаги маданият уйлари, мусиқа ва санъат мактаблари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди.

Фестивалнинг очилишида мамлакатимизда миллий қўшиқчилик ва рақс санъати ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мазкур йўналишлар равнақида, ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлашда турли кўрик-танловлар, санъат фестивалларининг аҳамияти катта.

Ушбу фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада ривожлантириш, ёшларни миллий қўшиқчилик ва рақс санъатимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат.

Фестивалда мақом, анъанавий ижрочилик, рақс санъати каби йўналишлардаги мусиқий дастурлар намойиш этилди. «Осиё», «Чашма», «Тантана» каби ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

МАКТАБ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛАНАЯПТИ

Бекобод туманидаги мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 2-ўрта умумтаълим мактаби тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Унга 138 миллион сўм маблағ сарфланди.

Иситиш, ёритиш тизимлари, иккита қишки спорт зали сифатли таъмирланиб, том қисми янгиланди, йўлакларга мармар ётқизилди. 1200 ўринли мазкур мактабда ҳозир ҳам иш қизғин кетмоқда. Физика, кимё, биология, компьютер, лингафон, метафон хоналарини жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 2-умумтаълим мактабининг умумий кўриниши; таъмирчилар Мукаррам Маъдиева ва Сурайё Мадаминовалар иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«Ташаббус – 2006» ғолиблари

БМТ ДИПЛОМИНИ ОЛГАН МУСАВВИР

Темурийлар тарихи Давлат музейи ички деворларига ишланган миниатюра безаклари, Олий Мажлис биносининг кичик зали деворидаги нақшлар... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Уларда ва яна пойтахтдаги бошқа ҳашаматли биноларга берилган сайқалларда қатор ҳамкасблари каби миниатюрачи мусаввир Фахриддин Раҳматиллаевнинг ҳам улуши бор. Бу асарлар пойтахтдаги кўплаб кўркам иморатларга гўзаллик бағишлаб, уларда қадимги тасвирий санъат анъаналари билан замонавийлик уйғунлашиб турганлиги боис кишини мафтун этади.

Ф. Раҳматиллаев мўйқалам усталари профессор Малик Набиев ва Алишер Йўлдошев қўлларида шогирдлик мактабини ўтаб, эндиликда республикамиздаги етакчи мусаввирлар сафидан жой олган.

Зангиоталик рассом ўзи танлаган ва меҳр қўйган касбнинг энг нозик қирраларини пухта эгаллаган. Бу ишга ижодий ёндошиб, миниатюра санъатининг қайта тикланиши ва ривожланишига озми-кўпми ҳисса қўшди. Санъатнинг бу йўналишида ўз йўли ва услубини такомиллаштириб борган мусаввир янгиликка ҳам қўл урди, яъни терига миниатюра ишлашни ўзлаштирди. Шу усулда бир нечта ижод намуналарини яратди. Улар мутахассислар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди ва юқори баҳоланди. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Ҳамса»сига кирган асарларга ишланган миниатюралари билан довруқ қозонди. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Дилором» достонларига ишланган безаклар бу асарлар мазмуни ва моҳиятини, ундаги воқеа-ҳодисаларни янада тўлиқ идрок этишга ёрдам беради.

Республика ва чет элларда ташкил этилаётган кўргазмаларга моҳир мусаввирнинг тез-тез таклиф этилиши ҳам унинг халқимизга хос бу анъанавий санъат турида юқори мавқени эгаллаганини кўрсатади. У Малайзия, Швейцария, Франция, Германия, АҚШ, Япония ва бошқа хорижий мамлакатлардаги кўргазмаларда миллий миниатюра санъати намуналарини намойиш этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган кўргазмада ўз асарлари билан қатнашиб, махсус диплом совриндори бўлди. ЮНЕСКО ташаббуси билан Францияда буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган кўргазмада ҳам ўз асарларини намойиш этди ва томошабинлар олқишини олди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Долзарб мавзу

Ичимлик сув захираларининг ифлосланиши, техноген оқибатлари инсон саломатлигига жиддий путур етказади. Кейинги пайтларда вилоятимизнинг айрим саноат шаҳарлари, хусусан, Олмалиқ шаҳрида ичимлик сув ифлосланиб бораётганлиги ҳақида эътирозлар келиб турибди. Мухбиримиз шу муаммони ойдинлаштириб беришни сўраб, вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачининг ўринбосари Баҳром Алматовга мурожаат қилди.

ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОНГАЧА?

— Олинаётган намуналарнинг бактериологик таҳлиллари Олмалиқ шаҳар ичимлик сув тармоғи орқали хонадонларга етказиб берилаётган сув таркибида номақбул аралашмалар ҳақиқатан ҳам меъёрдан ортиқлигини кўрсатди, — дейди Баҳром Ибрагимович. — Чунончи, бир миллилитр сувдаги ичак таёқчалари сони Олмалиқ шаҳридаги сомсахонада ва «Тошпўлат» қаҳвахонасида еттитага, «Интернационал» хусусий фирмасида ўн биттага етиб бораяпти. Умуман, тозалаш иншоотидан водопровод тизимига ўтаётган сув давлат стандартлари талабларига асло жавоб бермайди. Унинг таркибидаги умумий микроблар сони меъёрдагидан 20 фоиз ортиқ. Ичак таёқчаларининг сони эса етти баробар кўп. Бу ҳолат аҳоли ўртасида меъда-ичак хасталиклари келиб чиқишига ва юқумли ичак касалликлари тарқалишига шароит яратади, албатта.

Шаҳар сув иншооти ҳудудидан олинган тупроқ таркибида эса, руҳ моддаси меъёрдагидан 1,5 баробар кўплиги аниқланди.

— Бунинг асосий сабаби нималарда деб ўйлайсиз?

— Олмалиқ шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Сартамғали ичимлик суви иншоотида 32 та қудуқ мавжуд. Улар 347 гектар майдондаги ер ости манбаларидан сув олади. Мониторинг ўтказилган куни бу қудуқларнинг 26 таси ишлаб турган эди. Шу иншоот Олмалиқ шаҳри ва Оҳангарон туманидаги Бирлик қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаб келади.

Одатда, қудуқлардан тортиб олинган сув хлоратор мосламасида қайта ишланганидан сўнг, тоза ичимлик суви — водопроводлар тизимига ўтказилади. Ходимларимиз сувни зарарсизлантириш ишлари учун масъул ҳисобланган Юсуфали Отаев билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлишдики, у ичимлик сувида қолдиқ хлор миқдорини аниқлаш усули ва тартибини билмайди. Ҳолбуки, айни шу ходим ҳар соатда бу кўрсаткични аниқлаб, махсус журналда қайд қилиб бориши керак. Устига устак, ўша куни соат 14 дан 18 гача бўлган муддатда журналга ҳеч қандай қайд ҳам қилинмаган.

— Одатда, ер ости ичимлик сув манбалари алоҳида ҳимояланади. Ичимлик сув иншооти ҳудудида деҳқончилик қилинмаслиги керак. Шундай эмасми?

— Бу — қонун. Афсуски, Сартамғали сув иншоотида бу талаб ҳам қўпол равишда бузиб келинмоқда. Унинг ҳудудидаги ерлар деҳқончилик қилиш учун одамларга «ижара»га бериб қўйилибди. Фуқаролар бу ерларда пиёз, кунгабоқар, маккажўхори, ерёнғоқ, помидор етиштиришаяпти. Мониторинг куни Сартамғали қишлоғида яшовчи Алимардон Абдуғаффоров бир гектар майдонни эгаллаган пиёзга аммиакли селитрани обдон оқартириб сепаётган эди.

Табиийки, бундай деҳқончилик фаолияти оқибатида ер ости сувлари минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий дорилар билан ифлосланади. Айни шу жиҳат аҳоли ўртасида соматик касалликларни келтириб чиқариши ёки авж олдириши мумкинлиги далил-исботга муҳтож эмас.

Аэрация станциясида ўтказилган мониторингдан маълум бўлдики, оқава сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш ишлари тўғри олиб борилмайди. Меъёрида тозаланмаган оқава сувлари эса Пскент тумани қишлоқларига чиқариб юборилади. Бу сув зарарсизлантирилмайди, қолдиқ хлор миқдори 1,6 миллиграммлитр эканлиги текширилмайди. Кўрсаткичлар қалбакилаштирилиб, гўёки меъёр даражасида деб олдиндан журналга ёзиб қўйилаверади. Бу — ходим ўз вазифасини тўлиқ билмаслиги, иншоотда иш тўғри ташкил этилмаганлигидан бошқа нарса эмас. Олмалиқ «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари эса назоратни бўшаштириб юборишган, бундай ҳолатларни бартараф этиш ўрнига лоқайдлик қилмоқдалар. Ҳолбуки, тўлиқ зарарсизлантирилмаётган оқава сувлар Пскент тумани қишлоқларида ўткир юқумли ичак касалликлари кўпайишига, эпидемик барқарорлик издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

— Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги, бошқа мутасадди идоралар бу аҳволни тезда бартараф этишлари керак, — дея алоҳида таъкидлайди суҳбат пировардида Баҳром Алматов.

Суҳбатдош: Жўрабек МУРОДОВ.

Ҳамкорлик ришталари

Шу йилнинг май ойида пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида Эрон Ислом Республикасининг III ихтисослашган кўргазмаси бўлиб ўтган эди. У мазкур давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Ароқ шаҳри Савдо-саноат ва конлар палатаси ҳамкорлигида ўтказилганди. Уч кун давом этган кўргазмада 50 га яқин вилоятимиз вакиллари, ишбилармон доира вакиллари қатнашишганди. Улар орасида Чирчиқ шаҳридаги «Ҳаракат-плюс» кичик корхонасининг муваффақиятли иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ЧИРЧИҚДА ЗАМОНАВИЙ ИСИТИШ МОСЛАМАЛАРИ

Корхона 1997 йилда ташкил топган бўлиб, 2001 йилнинг сентябригача улгуржи савдо билан шуғулланган. Жамоага янги раҳбар тайинлангандан сўнг фаолият кўлами, самараси сезиларли даражада ўзгарди. Аввал ишни оддий металлконструкция ясашдан бошлаган корхона бугунга келиб 40 дан ортиқ турда иситиш қозонлари, тураржойлар, ижтимоий иншоотлар учун модуллар, замонавий иссиқхона мажмуаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Ушбу кўргазма корхонамиз фаолияти учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди, — дейди корхона раҳбари Отабек Саидов. — Аввало, 45 та фирма ва компания орасидан ўзимиз учун ишончли ҳамкорлар топишга эришдик. Расмий танишув маросимидаёқ улар билан ўрнатилажак алоқалар самарали бўлишини, узоқ муддатга мўлжалланишини, икки ўртада давлатимиз иқтисодиёти манфаат кўришини сезган эдик. Мақсад бир бўлгани учун ортиқча муаммолар, тушунмовчиликлар туғилмади.

Мазкур корхона билан биринчилар қаторида ҳамкорлик шартномасини имзолаган компаниялардан бири «Azarban» ҳисобланади. Компания ўз фаолиятини бошлаганига бу йил роппа-роса 30 йил тўлади. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган бу ташкилотнинг номи нафақат Эронда, балки қитъадаги кўпгина мамлакатларда ҳам машҳур. Компания цехларида ишлаб чиқарилаётган иситиш мосламалари сифатлилиги, замонавийлиги, рақобатбардошлиги ва айниқса, бизнинг иқлим шароитимизга мослиги билан эътиборга молик. Ўзаро имзоланган шартномага биноан компания маҳсулотларини Ўзбекистон бозорига олиб кириш кўзда тутилган. Келгусида бу маҳсулотларни «Ҳаракат-плюс»нинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда. Бунинг учун корхонанинг 2 нафар мутахассиси шу йили Эронга юборилиши режалаштирилган. Улар ҳамкор компания — «Azarban»да бўлишиб, эронлик мутахассислар бошчилигида ишлаб чиқариш бўйича назарий ва амалий билимларини бойитишади. Ўзаро тажриба, маҳорат ва малака алмашиш имкониятига эга бўлишади.

— Мен юртингизга илк бор ташриф буюришим. Бу ерга келишимдан аввал Ўзбекистон ҳақида батафсил маълумотга эга эмасдим, — дейди «Azarban»нинг тижорат менежери Кавех Садеги шартномаларни имзолаш чоғида. — Илк таассуротим жуда улкан. Ўзбекистон бизнес қилиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун очиқ ва қулай давлат ҳисобланади. Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳсулотларни четга экспорт қилишга барча имкониятлар яратилганлиги кишини қувонтиради.

«Ҳаракат-плюс» корхонаси билан ҳамкорликда иш юритишга бел боғлаган индустриал компаниялардан яна бири «Ахгар»дир. Теҳрон шаҳрида жойлашган бу тузилманинг асосий иш фаолияти иситиш ва музлатиш асбоб-ускуналари учун агрегатлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Айниқса, компаниянинг «Nova», «ACB» ҳамда «AJ — 15» русумли иситиш мосламалари, модуллари ҳар жиҳатдан мукаммал. Узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли алоқалар негизида айнан шу маҳсулотлар иккала давлат мутахассислари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилиши кўзланмоқда.

— Маҳсулотларимизнинг ишлаш қуввати 80 мингдан 3 миллион килокалориягача, — дейди «Ахгар» компаниясининг экспорт-менежери Али Муалимий Нажод. — Ҳамкорлигимиз натижасида ўзбек бозорига бундан ҳам юқори қувват билан ишловчи, замонавий, жаҳон талабларига жавоб берувчи маҳсулотлар чиқарилиши кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, ҳамкорликда гап кўп. Унинг асосига қурилган ҳар қандай ҳаракат ўз самарасини бермай қолмайди. Худди шунингдек, «Ҳаракат-плюс» томонидан йўлга қўйилаётган алоқалар ҳам келгусида ўзаро манфаатли бўлиши шубҳасиз.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҲАР БИР БОЛА – БИР ДУНЁ

Болажонларини азиз тутган юрт завол кўрмайди, равнақ топади, кучу қудратга тўлиб бораверади. Миллий мустақилликка эришилган дастлабки кезлардаёқ диёримизда болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимиз соғлом, маънавий баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаб вояга етишларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг боиси мана шунда. Бу вазифа турли йўналишларда, хилма-хил кўринишларда тобора изчил амалга оширилаётир.

Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштиришга бу жараённинг асосий бўғини сифатида йил сайин катта эътибор қаратилмоқда. Бу ёзги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, уларни кенгайтириш ва таъмирлаш, ошхона, ётоқхоналар, спорт иншоотларини янгидан жиҳозлаш, таълим-тарбия ишларини азалий қадриятлар ва миллий анъаналар асосида йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларда айниқса, яққол кўринмоқда. Айтайлик, вилоятимиз ҳокимлигида, ҳатто, болалар билан ишловчи ходимларнинг махсус билими ва амалий иш малакаси, оромгоҳларни дори-дармонлар билан таъминлаш масалаларигача ҳар жиҳатдан кўриб чиқилди. Таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига корхоналар, ташкилотлар ҳам ҳар йилгидан барвақт, уюшқоқлик билан киришиб, мавсумнинг биринчи навбати бошлангунича ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишди.

Мана шундай ғамхўрлик, эътибор туфайли вилоятимизнинг шаҳардан ташқаридаги 14 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавсумга ҳар жиҳатдан пухта тайёрланди. Айниқса, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Аммофос», «ОКМК», «Ўзбеккимёмаш» акциядорлик жамиятлари, «Тошпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамияти оромгоҳларни мавсумга тайёрлашга сидқидилдан ёндошишди. Зангиота тумани ҳокимлигининг ғамхўрлиги туфайли «Наргиз» оромгоҳи ҳам мавсумни муваффақиятли бошлади.

Болаларни соғломлаштириш мана шундай пухта тайёргарлик билан ўтаяпти. Унинг биринчи навбатида 4549 ўғил-қиз дам олди. Шу кунларда яна 4923 бола таътилни хушҳаво масканларда кўнгилли ўтказяпти.

Оромгоҳларимизда Оролбўйи болаларини соғломлаштириш яхши анъана бўлиб қолди. Хусусан, Хоразм вилоятидан олиб келинган 1000 ўғил-қиз таътилни экологик тоза масканларда ўтказди.

Тарбиячи ва етакчи ходимлар болаларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтиши учун тинмай изланишмоқда. «Маънавият ва маърифат» хоналари, кутубхоналарда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилаяпти. Табиат қўйнига бўладиган экскурсиялар болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу йил болаларни мактаблар қошида очилган оромгоҳларда дам олдиришга эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилди. Режага кўра, уларда 8217 ўғил-қиз дам олдирилиши керак эди. Шу мақсадлар учун 106 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган. Мактаб ва коллежлар қошидаги 75 та кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва ҳомий ташкилотлар томонидан вақтида тайёрланиб, ишга туширилди.

Уларда шу кунга қадар 8475 нафар бола дам олдирилди.

Умуман, вилоятимиз мактабларининг 13945 ўқувчиси ёзги таътилнинг бир қисмини шаҳардан ташқари оромгоҳларда ўтказади. Касаба уюшмаларининг вилоят ташкилотлари, корхона ва хўжаликлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари болалар ёзи мароқли ва мазмунли ўтиши, фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигига хизмат қилиши учун ҳамиша ғамхўрлик кўрсатишаётир.

Рустамжон ТУРДАЛИЕВ,
Касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари.

ОРОМГОҲЛАРДАН ЁЗАДИЛАР

«Металлург» оромгоҳида ёш ижрочиларнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» ашула ва рақс танлови ўтказилди. Унда кўплаб театрлаштирилган бадиий-мусиқий дастурлар намойиш этилди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Каромат ЙЎЛДОШЕВА, катта тарбиячи.

* * *

«Ўзбекистон куни» тадбири Олмалиқдаги «Аммофос» акциядорлик жамиятига қарашли Чимённинг Эчкидарасида жойлашган оромгоҳ дам олувчиларида катта таассурот қолдирди. Улар Давлат байроғи, гимнимиз ва гербимиз ҳақида ҳаяжонли ҳикоялар тинглашди.

Юлия КОЛДАКОВА, бош етакчи.

* * *

Муассасамизда икки соатлик бадиий-мусиқий, маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Уни «Биз — гиёҳвандликка қаршимиз» деб номладик. Малакали мутахассисларнинг гиёҳвандлик, унинг оқибатлари, ОИТС инсон умрининг заволи эканлиги ҳақидаги суҳбатлари таъсирчан бўлди. Иштирокчилар шеърлар ўқиб, ўзлари саҳналаштирган томошаларни намойиш қилишди. Рақс устози Юра Евдокимов саҳналаштирган ўйинлар завқ ва маҳорат билан ижро этилди.

14 та отряднинг ҳар бири ўз деворий газетасини гиёҳвандлик ва ОИТСдан сақловчи омилларни ёритишга бағишлади.

Зуҳра МАҲКАМОВА,
«Тонг» оромгоҳи бош етакчиси.

* * *

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган «Қувноқ экспресс» оромгоҳимиз бўйлаб ўтди. Болалар ўн бир станцияда мамлакатимиз тарихи, унинг мустақил тараққиёт одимлари, миллий санъатимиз равнақи, соғлиқни сақлаш, табиатни асраш соҳаларидаги ютуқлар билан танишишди. «Камолот»чилардан иборат етакчиларимиз бу тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга бош-қош бўлишди.

Саидахон АБДУРАҲМОНОВА,
«Келажак» оромгоҳи бошлиғи.

КОРХОНАМИЗ ФАХРИ

Бу дунёда фарзанддан улуғ неъмат йўқ. Инсон ўзининг бугунги кунини, эртанги ҳаёти ва келажагини уларсиз тасаввур қила олмайди. Ҳар ким ўғил-қизларини меҳнатсевар, мард ва қобил инсонлар қилиб ўстириш учун жони-дилини, бутун борлиғини бағишлайди.

Ватан ҳам шундай. Ўзининг буюк келажагини маънавий баркамол, жисмоний етук, элига, юртига садоқатли йигит-қизларни тарбиялаш билан боғлаётган мустақил диёримиз миқиёсида ҳам шундай фикр юритиш мумкин. «Ҳамма нарса — болалар учун!» шиори мамлакатимизда янги маъно касб этиб, интилишларимиз, мақсадларимизнинг бош йўналишига айланди.

«Металлург» болалар оромгоҳини айланиб юриб, хиёбонлар, айвон ва шийпончаларда болаларнинг шўх-шодон қийқириқларига маҳлиё бўла туриб, юқоридаги ўй-фикрлар хаёлимдан ўтди. Ёзги дам олдириш мавсумига оз муддат қолганида Бўстонлиқ тоғларининг бағрида жойлашган «Шодлик» оромгоҳини корхонамиз ихтиёрига ўтказиб беришди. Очиғи, унинг аҳволини кўриб, дастлаб ҳафсаламиз пир бўлаёзди. Бинолар мутлақо яроқсиз ҳолга тушиб қолган, ошхона ёниб кетган экан.

Маъмурият билан касаба қўмитаси уни қайтадан тиклаб, болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитларни яратишга қарор қилишди. Корхонамиз қурувчилари, цехлар ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари қуриш-жиҳозлаш ишларига шошилинч киришишди. Ошхона биноси мутлақо янгидан қурилди, 200 ўринли овқатланиш павильони барпо этилди. Ҳамма ётоқхоналар таъмирланиб-созланди, янги ўрин-тўшаклар, турли мебеллар олинди.

Қурувчиларимизнинг ғайрати билан оромгоҳ ҳудуди мутлақо янги кўриниш касб этди. Ўйингоҳ-аттракционни бугун бир кўрсангиз эди. Эндиликда бу маскан корхонамизнинг фахрига айланди. Цехлар топшириқларни қисқа вақт ичида, сифатли бажариш учун яхши маънода мусобақалашишди. Йўлаклар асфальтланиб, хиёбонлар бўйлаб чироқлар ўрнатилди. У оқшомлари бу ерга ўзгача чирой бағишлайди. Умуман, болаларни қабул қилиб, дам олдириш мавсуми бошлангунича оромгоҳ гўзал масканга айланди.

Биринчи навбатда муассасамизда металлургларимизнинг 306 нафар фарзанди дам олди. Айни вақтда эса, 325 ўғил-қиз таътилни шу ерда ўтказяпти. Биз бу мавсумда 1200 болани соғломлаштиришни назарда тутганмиз.

Фарзандларимиз ёзни кўнгилли ўтказишлари учун маъмурият билан касаба қўмитаси нимаики зарур бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишаяпти. Бу ерда биргина қурилиш ва таъмирлаш-созлаш ишлари учун 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Баёз МИРКОМИЛОВ,
«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

КУНЛАР МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Оромгоҳимизда болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштиришнинг иккинчи навбати якунланмоқда. Шуни ўйласам, бу ерда ўтган ҳар бир кун, ёзни тоғ бағрида ўтказиб, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун келган кўплаб ўғил-қизларимиз таътили кўнгилли, мароқли ўтиши учун бутун педагогик жамоамиз билан қилган саъй-ҳаракатларимиз бир-бир кўз ўнгимдан ўтади.

Болажонларимиз учун қувончли, бир умр ёдда қоладиган дамлар кўп бўлди. Буни биринчи навбат якунланиб уйига қайтган болаларнинг чақноқ кўзлари, бахтиёр чеҳераларидан илғаб олиш мумкин эди. Ўшанда 387 бола, шу жумладан Хоразм вилоятининг Боғот туманидан келган 93 нафар ўғил-қизни кузатиб қолган эдик.

Бизнинг «Чимён» оромгоҳимиз Бўстонлиқ тоғларининг энг юқори қисмида, Эчкидара бағрида, ниҳоятда кўркам манзарали манзилда жойлашган. Мана бугун оромгоҳимизда яна 454 нафар бола дам олмоқда.

Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти уни барпо этганига 20 йил тўлаяпти. Корхонамиз маъмурияти ва касаба қўмитаси оромгоҳни ҳозирги кўринишига келтириш учун кўп куч, катта маблағ сарфлашди, албатта. Бу йил ҳам барча ётоқхоналар, ошхона, сузиш ҳавзаси ва бошқа иншоотлар тўла таъмирланди. Тўғарак машғулотлари ўтказиладиган иккита хона қурилди.

Энг муҳими, педагог-тарбиячи, етакчиларни, бошқа хизмат кўрсатувчи ходимларни танлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бутун умрини оромгоҳларда болалар билан тарбиявий иш олиб боришга бағишлаган бош етакчи Юлия Колдакова бошчилигидаги жамоа болаларни Ўзбекистон халқларининг ягона оила туйғуси, мамлакатимизнинг азалий қадриятлари ва миллий анъаналар руҳида тарбиялаш ишига бутун қалб-қўрини сарфлаётир. Етакчиларимиз ва малакали тарбиячиларимиз болаларнинг ҳар бир куни қизиқарли ва мароқли ўтиши учун ҳаракат қилишаяпти. Ҳеч бир кун йўқки, тарбиячилардан Эркин Ҳасанов, Раиса Антонова, Татьяна Бороздина ўз гуруҳларида бирор эсда қоларли тадбир ташкил этишмасин. Бадиий-мусиқий танловлар ҳамиша қувноқ ўйинкулгу билан ўтади.

Биргина «Ўзбекистон куни»ни олайлик. Тонг мамлакатимизга олий мақомли меҳмон келганлигини эълон қилишдан бошланади. У «Болалик мамлакати» гуруҳларини бир-бир айланиб чиқа бошлайди. Ҳар бир гуруҳ болалари меҳмонга муайян вилоятимизнинг ўзига хос одатлари ҳақида сўзлаб беришади. Қувноқ ўйин усулида ташкил этилган бу тадбир болаларнинг билимини оширишга, халқимизнинг ҳаёти билан чуқурроқ танишишларига кўмаклашади.

Ралия ГИЛДАНОВА,
«Чимён» болалар оромгоҳи бошлиғи.

ТОПҚИРЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК

Оромгоҳларда болалар бор-йўғи 18 кун дам олишади. Бундоқ қараганда, бу — жуда кам муддат. Лекин биз — тарбиячи ва етакчилар хушманзара, баҳаво тоғлар бағрида ўтган ҳар бир кун болаларнинг ёдида узоқ сақланиб қолишига ҳаракат қиламиз.

Кунлар бир-бирига ўхшамаслиги учун маданий-маърифий ишларни, спорт машғулотлари ва мусобақаларни пухта режалаштирамиз. Тонг отдими, оромгоҳимиз жонланиб кетади. Гуруҳлар меҳнат машғулоти ўтказиб, оромгоҳ ҳудудини тартибга келтиришади, тозалашади. Кейин тўгараклар иш бошлайди. Бир шийпонда қизлар юмшоқ ўйинчоқлар ясаб, бисер билан кашта тикишса, нарироқда болалар ёғоч ўймакорлиги билан банд. Тасвирий санъат тўгараги қатнашчилари эса этюдларини кўтариб, бетакрор манзарали жойларни излаб кетишади...

Машғулотларнинг бошида ҳамиша етакчиларни кўрасиз. Улар эртаю кеч ўз гуруҳларида, болалар билан бирга бўлишади. Ака-ука Ренат ва Азамат Реимовлар, Таня Кремлёва, Руслан ва Канат Нишоновлар ўзларини энг изланувчан, топқир, ташаббускор етакчилар сифатида намоён этишмоқда. Улар тарбиячи ва спорт ташкилотчилари билан ҳамкорликда Хондайлиқ қишлоғининг юқори қисми, тоғ ёнбағирларига экскурсиялар уюштиришяпти. Бу саёҳатлар давомида болалар табиатнинг бетакрор мўъжизаларини кашф қилиб, доривор ўсимликлар намуналарини ўрганишяпти.

Кутубхонадаги қизғин суҳбатлар, мароқли учрашувларни айтмайсизми? Болаларнинг китоблар оламига саёҳатлари мароқли бўлишида бу ердаги 750 хилдаги бадиий адабиёт намуналари асқотмоқда. Улар орасида Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Тоҳир Малик каби ёзувчиларнинг қисса ва романлари бор.

— Болаларимиз адабиётнинг саргузашт жанри намуналарини қизиқиб ўқишади, — дейди кутубхоначи Барно Сирожева. — Улар ўз фантастик тасаввурлари, саргузаштлари ҳақида деворий газеталарда, алоҳида стендларда, ранг-тасвир воситасида ҳикоя қилиб беришади.

Умида ХЎЖАХОНОВА,
«Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамиятининг «Ҳумо» оромгоҳи бош етакчиси.

ТАРБИЯ КУНДА КЕРАК

Дунёқарашни, ҳаётга, атроф-муҳитга муносабатни шакллантиришда таълим муассасалари қаторида ёзги оромгоҳларнинг ҳам аҳамияти катта. Ёзги соғломлаштириш масканларидаги болаларни кузатишларимиз ҳам буни тасдиқлайди. Чунки, улар оиладан олисда, мутлақо нотаниш болалар даврасида ўзларини янгидан кашф этиб, мустақил фикрлаш, қарорлар қабул қилиш масъулиятини ҳис қиладилар.

Бизнинг оромгоҳимизда тарбиявий ишлар айнан шу жиҳатни ҳисобга олиб ташкил этилади. Тарбиячи ва етакчилар жамоаси умумий ва гуруҳлардаги тадбирлар режасини шу тарика пухта ишлаб чиқадилар. Эрта тонгданоқ жонли суҳбатлар, теварак-атроф, табиат дунёсига саёҳатлар, машғулотлар бошланади.

Адабиёт тўгарагининг машғулотлари ўзбек, рус классикларининг ижоди ва асарларига оид суҳбатлар билан ўтади. Биз уларнинг анъанавий дарсларга айланиб қолишига йўл қўймаймиз. Бу пировардида, болаларнинг интеллектуал салоҳияти янада ўсишига олиб келади.

Тўқиш-тикиш тўгарагида тайёрланадиган буюмларни кўргазмага қўямиз. Унга фарзандлари билан учрашувга келган ота-оналарни ҳам таклиф этамиз. Улар фарзандлари тўқиган буюмларни кўздан кечираётганларида болалар нигоҳларидаги ифтихор, фахрланиш учкунларини бир кўрсангиз эди.

«Колибри» вокал тўгарагида машғулотларни Успенский номли санъат мактабининг ўқитувчиси Василий Упоров олиб боради. Устознинг ҳар ёз оромгоҳларни айланиб, янги-янги иқтидорли қўшиқчиларни танлаб, тарбиялаб катта саҳнага олиб чиқаётганлиги, бу тўгарак дарслари қанчалик юқори савияда ўтаётганидан далолат беради. Рақс дастасида эса болалар фольклор намуналари билан бир қаторда замонавий рақсларни ҳам ўрганишади. Бу машғулотларни иқтидорли мураббий Ирина Пальчикова олиб боради. Мана шу икки тўгарагимиз қатнашчиларининг фаол иштирокида болаларимиз ҳозир «Чоткол» оромгоҳида ўтадиган фестивалга қизғин тайёргарлик кўришяпти.

«Маънавият ва маърифат» хонасидаги мароқли суҳбатларни ҳам назаримда болалар бир умр унутишмаса керак. Тарбиячиларимиз Элмира Миржалолова, Марина Мусина, Татьяна Мамедова ва бошқалар уларнинг ҳар бир куни мароқли ўйинлар, суҳбатлар, машғулотлар ва саёҳатларга бой тарзда ўтиши учун бутун тажриба ва маҳоратларини ишга солишмоқда.

Гулнора МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
«Наргиз» болалар оромгоҳи бош тарбиячиси.



СУРАТЛАРДА: *вилоятимизда фаолият кўрсатаётган оромгоҳлардан лавҳалар.*

КУНДАЛИКЛАРДАГИ ҚАЙДЛАР

«Мен Бўстонлиқ тоғларида жойлашган ёзги оромгоҳларда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун Хоразмнинг Хазорасп туманидан етакчи бўлиб келдим. «Наргиз»да бизни эски қадрдонлардек кутиб олишди. Тоғ манзаралари, оромгоҳдаги турли-туман ўйинлар, саёҳат ва экскурсиялар, фестиваль ва спартакиадалар болаларимизда унутилмас таассурот қолдирди. Мириқиб дам олдик.

Насиба ҲАСАНОВА, тарбиячи».

* * *

«Мен, Краснова Алёна, «Чимён» оромгоҳида мароқли дам олдим. Бу ерда ҳамма нарса менга ёқди. Тўгараклардаги машғулотлар фойдали бўлди. Мен тасвирий санъат йўналишида шуғулландим, тоғ манзараларини чиздим. Бу ерда кўп дўстлар орттирдим».

* * *

«Мен Хоразмдан дам олгани келдим. Оромгоҳда Ҳасанбой Сафаров, Умрбек Жонибеков, Иззат Юсупов, Ғиёсбек Тўраев каби дўстлар орттирдим. Бу ерда ўтказган кунларим менда катта таассурот қолдирди. Биз Чимён тоғларини, унинг соф ҳавосини, сойларини ҳеч қачон унутмаймиз.

Фозилбек ЮСУПОВ».

(Саҳифа материалларини касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ҳамда «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлашди. Суратлар муаллифи: Еркебой БОТИРОВ).

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

ДИЛШОД – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ!

Грузиянинг Тбилиси шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтган халқаро турнирда иштирок этган юз нафардан зиёд спортчи қаторида ўзбекистонлик курашчилар ҳам ғолиблик учун гиламга чиқди.

Нуфузли мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси мураббийи Комил Фаткулин шогирдларидан тўрт нафари совринли ўринларни эгаллади. Дилшод Орипов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, Афина Олимпиадаси чемпиони Александр Доктуришвили, Камол Холматов, Геннадий Чхаидзе бронза медаль билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

ДУБАЙДАН КЕЛГАН МЕДАЛЛАР

Бирлашган Араб Амирликларида юнон-рум кураши бўйича 1986-1987 йилларда туғилган спортчилар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларидан беш нафари совринли ўринларни эгаллади.

Мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган ҳамюртимиз Элдор Хафизов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Яна тўрт нафар курашчимиз – Шерали Шодмонов, Жаҳонгир Мўминов, Абдумалик Алиев ва Суҳбат Хожиев учинчи ўринни эгаллади.

КАРАТЭ БЎЙИЧА КУБОК

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан каратэ бўйича Тошкент тумани ҳокими кубоги учун очиқ биринчилик бўлиб ўтди.

Мусобақа туман ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда 250 нафар ёш спортчи иштирок этди.

Ғолиблар ва фаол иштирок этганларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Саид ҲАСАНОВ.

— Суратингни шундай чизайки, болакай.
Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

Муҳокама учун мавзу

«УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ»НИ КИМ УЙҒОТАДИ?

Илёс бобонинг уйи шундоққина катта кўчанинг юзида. Бобо азонлаб эчки сути қўшилган бир пиёла чойини ичадию дастурхонга фотиҳа қилиб, ташқарига йўналади. Сойга тушадиган йўлак билан дўхтирхона ўртасида битта узун курси бор. Отахон ана шу ерга ўтиради. Онда-сонда йўлдан ўтиб турган машиналарга, рўпарадаги азамат теракларга боқиб, ўйга толади.

Мана шу Янгиободда кечган умрини, йигитлик чоғларини эслайди. Илёс бобонинг ёшлиги мана шу тоғлар орасида, шу дўппидек кичкина, жаннатнинг бир бўлагидай шаҳарчада ўтди. Узоқ йил конда ишлади. Янгиободлик бўлганига қовун пишиғида роппа-роса 44 йил бўлар экан. Эҳ-ҳе, шунча йил ичида унинг кекса боши неларни кўрмади. Ўзини аямай меҳнат қилди. Фарзандлар орттирди, тўйлар қилди. Куёвлик, келинлик бўлди. Ҳозир ўғил-қизлар олисда, бири Тошкент, бири Олмалиқ, бири Самарқанд дегандек, ризқи сочилган ерларда яшаб юришибди. Илёс бобо Янгиободдан кетгиси келмади. «Ўрганган ерим, ёзнинг чилласида ҳам салқин, тоза ҳавоси танга даво» дея, кампири билан давлат берган уч хоналик шинамгина уйдан қўзғолмади.

Кон ёпилди-ю собиқ шахтёрлар тўрт тарафга тарқалди. Беш-олти йил ичида шаҳар эгаси кўчган ҳовлидай ҳувиллаб қолди. Энди бу ер Илёс бобога ўхшаган қарияларнинг маконига айланди. Янгиобод қўрғони раиси Давлат Аҳроровнинг гапига қараганда ҳозир бу ерда борйўғи 640 одам муқим яшар экан. Қанчадан-қанча уйлар бўм-бўш, эшик-деразасида шамол ўйнайди. Пишиқ ғиштдан қурилган, кенг-мўл кўпқаватли уйлар ҳамон яхши сақланган, озгина таъмирланса, бас, бемалол яшайвериш мумкин. Лекин ... қани харидор? Ҳозирча Тошкентдан, Фарғона тарафдан келган омонат меҳмонларни демасангиз, бу иморатларга харидор топилмайроқ турибди...

Илёс бобо тағин йўлга кўз тикди. Юз қадамча нарида эски қадрдони Филонский келарди. Оёқ олиши чаққон, ўзи хурсандга ўхшайди.

— Кел, Гена, — деди Илёс бобо, сурилиб жой берар экан. Геннадий Викторович курсига чўкди.

— Салям, Иляс! — деди қўл чўзиб, — аҳвол якши?

— Худога шукр, — деди Илёс бобо, — ўзинг қалайсан?

Филонский узоқ йил Янгиободда яшаб, ўзбекчани ҳам тузуккина билиб олган эди.

— Қалай эмас, олтун, — деди кулиб. — «Кино, домино» деб уйда ётгандим. Тошкентдан бир корреспондент келибди, «сиз билан икки оғиз сўзлашмоқчи» деб Давлат раис бошлаб келди.

— Гаплашдингми?

— Ҳа.

— Нима дейди?

— Сиз Янгиободда 50 йил яшабсиз. Кон бошқармасида кўп йил ишлабсиз. Янгиободнинг келажаги ҳақидаги фикрларингизни билмоқчимиз, дейди.

— Сен нима дединг, Гена?

— Кўнглимдаги бор гапни айтдим, нима дердим. Янгиобод ухлаб ётган гўзалга ўхшайди, уни уйғотиш керак, дедим. Бунинг учун аввало унинг мақомини тайин этиш зарур. Масалан, Янгиободни оромгоҳ маскан, деб эълон қилиш мумкин. Шунда бу ерда санаторийлар, дам олиш уйлари, болалар ёз бўйи ҳордиқ чиқарадиган масканлар ташкил этса бўлади. Арчазорлар қўйнидаги касалхонанинг эски бинолари бекор ётибди, улардан фойдаланиш мумкин. Илгариги сайёҳлар базаси бор, ундан ҳозир ҳам фойдаланса бўлади.

— Чакандадан чиқаётган шифобахш сув-чи, уни айтмадингми?

— Айтдим, — деди Филонский, — бизда анчайин сойга оқиб ётган маъданли булоқ бор, уни жиловлаб эл саломатлиги учун ишлатса бўлади, дедим. Ундан ташқари Янгиобод тоғларида 250 хил доривор ўсимлик ўсади. Бу гиёҳларни йиғиб, улардан турли дамлама тайёрлаш, кичкина-кичкина фитобарлар очиш мумкин. Янгиободнинг салқин иқлимини, кислородга бой ҳавосини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Тошкентга қараганда, бу ер 8-10 даражага фарқ қилади. Масалан, ёз чилласида Тошкентда 40 даража иссиқ, бизда 30! Бундан ортиқ нима керак тағин?

— Гапларинг тўғри-ю, лекин одамларга иш йўқ-да, шуниси чатоқроқ, — аста гап қистирди Илёс бобо.

— Мен айтган нарсалар бўлса, одамларга иш ҳам топилади-да! Масалан, бизда нима кўп, тоғларда мевачева кўп. Тоғолча, олмамурт, ёнғоқ, дўлана, жийда, ўрик... Уларни териб олиб, шарбат тайёрлайдиган кичкина цех очилса, иш бўладими? Ёки санаторий, дам олиш уйларида хизмат қиладиган ошпаз, электрик, қоровул, боғбон, оператор, дўхтир, сантехник дегандай, касб эгалари керакми? Ҳамма гап истакда, дўстим. Астойдил ҳаракат қилинса, Янгиободни янгидан обод қилиш қийин эмас.

Геннадий Викторович соатига қараб қўйдию, ўрнидан турди.

— Мени кампир писта ёғи олиб кел, деб юборувди, кетдим.

Филонский сой бўйидаги «Ола танга» дўконига қараб жўнади. Илёс бобо шоҳ кўчада тағин бир ўзи қолди. Филонскийнинг гапларини ўйлади. Ростдан ҳам, агар Янгиободга яна одам тўлса, 8-10 минг киши бемалол яшаса бўладиган бинолари ҳамон қилт этмай турибди-ку?

Икки қаватли мактаб, маданият саройи, боғча, кинохона, телефон идораси, ёшлар учун бир эмас, икки спортзал, қўша-қўша ошхонаю меҳмонхона. Ҳамма уйларда телефон бор. Бармоғингиз билан аста бураб, Самарқанду Бухорони олаверасиз. Дўхтирхона-ку, худди бурунги замондагидек, кечаю кундуз ишлайди. Эрмакка телефон қилсанг, бир зумда етиб келади. Ё Аҳмадали, ё Меҳринисо, ё Шаҳринисо, ишқилиб, ҳозиру нозир. Бири қон босимингни ўлчаган, бири ширин сўзи билан даволаган... Яна не керак қарияларга? Фақат ... шаҳарда одам кўпайганида эди, олам гулистон бўларди.

«Ноумид шайтон», деди ўзича Илёс бобо. Катталар ҳам ўйлаётгандир. Шаҳарни шу аҳволда ташлаб қўймас. Ангренга янги ҳоким тайинланибди. Давлат раис айтдики, янги ҳоким Янгиободга бир-икки қур келиб-кетибди. Шаҳарнинг туриш-турмушини ўз кўзи билан кўрган бўлса, бир хулосага келар. Янгиободга ёрдам қўлини чўзар.

Илёс бобо ичида раҳбарларга инсоф тилади, илоё, халқ дарди билан яшайдиган улуғларимизнинг мушкулини осон қил, дея дуо қилди.

Эртасига Илёс бобо бир хушхабар эшитди: Янгиободнинг энг тўрида, тоғлар этагида жойлашган бурунги сайёҳлар оромгоҳи қайта таъмирланаётган эмиш. Зора, у яна ишга тушса, деб умид қилди отахон, шунда Гена дўсти айтмоқчи, ухлаб ётган гўзал уйғонармиди? Ишқилиб, у тезроқ уйқудан кўз очсин-да, шунда ёшлар ҳам, Илёс бобо сингари етмиш ёшни қоралаган кексалар ҳам мамнун бўларди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Шундан кейин

МАШҲУРЛАР ИЧРА МАШҲУР

Британияликлар махфий агент 007 Жеймс Бонд ролини ижро этиб, шуҳрат қозонган актёр Шон Коннерини мамлакатнинг энг буюк қаҳрамони деб эълон қилдилар.

Қаҳрамонлар рўйхатига, шунингдек, олимпия ўйинларининг беш карра чемпиони Стив Редгрейв, пазандалик сирлари ҳақидаги теледастур бошловчиси Жейми Оливер, мусиқачи ва жамоат арбоби Боб Гелдоф ҳамда тадбиркор Ричард Брэнсон номлари киритилган.

ЭНГ ҚАДРЛИ БИСОТ

Футбол бўйича Англия термаси ва «Манчестер Юнайтед» жамоаси ҳужумчиси Уэйн Руни учун қадрли буюмлар ўғирланди.

Спорт юлдузининг отаонаси таътилда эканлигида, уларнинг Ливерпулдаги уйига ўғри тушган. Форвард миллий жамоада ўйнаётганда киядиган ҳамда Англия биринчилиги финалида эгнида бўлган футболкаларидан ҳамда BBC йўналиши бўйича «2004 йилнинг энг ёш спортчисига» берилган совринидан жудо бўлгани хабар қилинмоқда.

ФАРЗАНДСИЗ ТУРМУШ УРФДА

Хитойда фарзанд кўришни режалаштирмай, фақат турмуш қуриш ниятида юрган одамлар учун онлайн хизмати ишлаб турибди. Ўтган йили фаолият кўрсата бошлаган wx 920.com сайти болаларсиз никоҳ тарафдорларидан 7000 дан зиёдини ўзига жалб этди. Ҳатто, DINK тўй (double income and no kids) деган ибора ҳам пайдо бўлди. Бу даромадни икки баробар ошириш ва фарзандсиз турмуш қуриш деган маънони англатади.

ҚИММАТРОҚҚА ТУШАРКАН

2012 йилдаги ўйинларга қадар бунёд этилиши керак бўлган Лондон Олимпия стадиони ташкилий қўмита дастлаб режалаштирганидан 30 миллион фунт қимматроққа тушиши маълум бўлиб қолди.

Электр қуввати нархлари доимий ошиб бораётгани, иншоотнинг лойиҳа қиймати муттасил ортаётгани туфайли ўйингоҳ смета харажатлари 250 дан 280 миллион фунтга ошди.

Об-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 26 июль куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Чиноз туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалигида 2006 йил 28 июль соат 10.00 да кимошди савдоси ўтказилади.
Сотувга чорвачилик фермаси қўйилган.
Чорвачилик фермасининг бошланғич нархи — 77 миллион сўм.

Тугатиш комиссияси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2000 йил 5 сентябрда Шамагдиева Нодира Шамухтаровна номига берилган Шайхонтоҳур тумани, лойиҳадаги Г-17 метрли кўчада жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 96-сонли ер майдонига тегишли 426-ау рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тасвирий ва амалий санъат билим юрти томонидан 1998 йил 28 июнда Юсупова Санобархон Рахимжоновна номига берилган АУ 000040 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидаги «OSIYO-ZAMIN» хусусий фирмаси (ОКПО 14846261) «OSIYO-ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Уста Ширин кўчаси, 120-уй манзили ёки 398-91-62 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

2001 йил 28 августда Ганиева Раиса номига берилган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги Уйғур кўча, Жалолобод тор кўчаси, 27-уй манзилига тегишли TS 0239151 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ангрен шаҳрининг 5/3-даҳасидаги ғиштдан қурилган 4 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган, евротаъмирдан чиққан 3 хонали квартира сотилади. Тел.: 8-26630666, 333-38-34.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ЖУМА 28

ЎЗБЕКИСТОН 1ТV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Икки дарё оралиғида».
9.15 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Табаррук замин».
12.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
12.45 «Чин муҳаббат». Т/с
13.50 «Зилол».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Бир ўлка-ки»
15.40 «Қорақалпоқнома».
16.00 «Кўп яшанг».
16.25 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Бизнес янгиликлари».
17.45 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
18.05 «Минг бир ривоят».
18.10 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.35 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўҳна оҳанглар». Гулбаҳор Эркулова.
22.20 «Тўйдан олдин можаро». Б/ф.
00.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
00.15 «Икки дарё оралиғида».

ЁШЛАР YOSHLAR TELEKANALI

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Тўлқинлар».
8.20 У ким? Бу нима?
8.40 «Қўғирчоқ».
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.50 Юртим юраги.
10.00 Давр.
10.15 «Сув ҳам тугайдими?» 4 – қисм.
10.35 «Қўшқулоқ».
10.55 «Муз даври». Мультфильм.
12.15 Ўсмирлар симфоник оркестри намойиш этади.
12.55 Ватан ҳақида ўйлар.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 Ватан ҳақида ўйлар.
14.20 Хуш келибсиз!
15.00 «Экспедиция». Т/с.
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 Давр.
16.15 «Ы» операцияси ёки Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Б/ф.
17.55 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Т/с.
18.35 Солиқ хизмати хабарлари.
18.45 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 «Моя мечта».
20.00 Спорт – лото.
20.10 ДаврА.
20.40 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мен борман -ку». Б/ф (Ҳиндистон)
22.00 Давр.

ТОШКЕНТ

18.15 «Экран детям».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Под углом 23,5».
19.15 «Маърифат фидойилари».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 «Бир қўшиқ тарихи».
20.45, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20, 22.05 «Тв анонс».
21.40 «Тв юрист».
21.45 «Аёл калби».
22.10. «Индаба». Т/с.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 М/с.
8.45 «Детский спорт».
9.00 «Хабарлар»
9.20 «Детективы».
9.50 «Спортсмен в запасе».
10.10 «Новые приключения Дони и Микки». Х/ф.
11.15-12.20 «Талисман». Т/с.
18.00 «Детский спорт».
18.15 М/с.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 «Жизнь прекрасна».
21.30 «Хабарлар»
21.50 «15 времен узбекского спорта».
22.10 Новая экономика.
22.35 Водный спорт. Чемпионат европы.
23.35 «Снукер».

ШАНБА 29

ЎЗБЕКИСТОН 1ТV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олтин тож». Телеўйин.
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Шифокор қабулида».
9.45 «Ҳидоят сари».
10.05 «Оналар мактаби».
10.25 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.05 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.40 «Интеллектуал ринг».
12.25 «КиноТеатр».
12.45 «Меҳрибонлик». Б/ф.
13.55 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Шахсий фикр».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Шийпондаги учрашувлар». Дала меҳнаткашлари ҳузурида.
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Навобахш».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Меҳринг билан яшаймиз, Ватан».
22.40 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
22.50 «Ўкинч». Б/ф.

ЁШЛАР YOSHLAR TELEKANALI

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Тўлқинлар».
8.20 Бешбармоқ.
8.50 Анонслар.
9.00 «ЗЕРДА». Т/с 7-қисм.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 «ЗЕРДА». Т/с 8-қисм.
11.20 Мусиқий лаҳзалар.
11.30 ДаврА.
12.00 Мухлис – шоу.
12.50 Ёнимдаги бахт.
13.00 Давр.
13.10 Ватан ҳақида ўйлар.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Чимилдиқ». Б/ф.
15.30 Юлдуз билан.
16.00 Давр.
16.15 Бола тилидан.
16.50 Чемпион сирлари.
17.10 Ватан ҳақида ўйлар.
17.15 Ёшлар куйлаганда.
17.35 Талабалар шаҳарчаси.
17.55 «Саховат».
18.40 Каталог.
18.50 Оқшом қўнғироқлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Бўғирсоқ» премьераси.
20.00 Ёшлик наволари.
20.10 «Камолот» хабарлари.
20.20 Эълонлар.
20.30 «ЗЕРДА». Т/с. 9-қисм.
21.30 «ДИЛРАБО». Аслиддин Дўстов куйлайди.
22.00 Давр.
22.40 Оҳанрабо.
23.20 «Оушэннинг 11 дўсти». Б/ф.

ТОШКЕНТ

«8.00-13.00»гача.
18.05 Программ передач.
18.15 «Экран детям» «Улыбка».
18.30 «Елканг ер кўрмасин». Ҳужжатли фильм.
18.50 «Под углом 23,5».
19.25, 21.20 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 Тв юрист.
20.05 «Экран зийнати ва қиймати».
20.25, 22.30 «Тв анонс».
20.30 «Соғинч».
20.45 «Бир кулишайлик».
21.00 «Оқшом наволари».
21.35 «Тв юрист».
21.40 «Мулоҳаза учун мавзу».
22.35 «Индаба». Т/с.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Смак».
9.25 «Фазенда».
10.00 «Крепыш».
10.25 Мультфильм.
11.00 «Военное дело».
11.20 «Иқтидор».
12.15 Нарисованное кино. «Дорога на Эльдорадо».
13.50-15.10 «Смешные люди».
18.00 «Детский спорт».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Юрмала».
20.00 «Вести».
20.20 «Жизнь прекрасна».
21.30 «Хабарлар»
21.50 «Стать ближе».
22.30 «Линии судьбы».
22.50 Лёгкая атлетика.
23.50 Водный спорт.

ЯКШАНБА 30

ЎЗБЕКИСТОН 1ТV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Букри тойчоқ». Мультфильм.
10.45 «Саломатлик сирлари».
11.05 «Меҳр кўзда».
11.45 «Ҳажвия бисотидан».
12.05 «Шийпондаги учрашувлар».
12.55 «Қароқчи чоллар». Б/ф.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «50х50».
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.15 «Меҳринг билан яшаймиз, Ватан».
17.15 «Олтин тож». Телеўйин.
17.50 «Қалпоқ».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 Олтин мерос.
21.50 «Заковат».
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
22.55 «Сўнгги могикан». Б/ф.

ЁШЛАР YOSHLAR TELEKANALI

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.05 Оҳанрабо.
8.45 Ватан ҳақида ўйлар.
8.50 «Камолот» хабарлари.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 «Journal»
10.20 Якшанба нонуштаси.
10.50 Ватан ҳақида ўйлар.
11.00 «НАРНИЯ САЛТАНАТИ». Б/ф.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «YOSHLAR»да ёз оқшомлари».
15.45 «Бўғирсоқ» премьераси.
16.05 «Қилни қирқ ёриб».
17.00 Ёшлик наволари.
17.15 Ринг қироллари.
18.05 Чемпион сирлари.
18.25 Оқшом қўнғироқлари.
18.30 «Қўшиқнинг туғилиши». Ғуломжон Ёқубов.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.40 «Ҳандалак».
20.00 «Ошуфта дил». Илҳом Иброҳимов куйлайди.
20.20 Эълонлар.
20.30 «ЗЕРДА». Т/с 10-қисм.
21.30 Кўнгил таронаси.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 «Пари момо». Б/ф.

ТОШКЕНТ

«8.00-13.00»гача.
18.05 Программ передач.
18.15 «Экран детям».
18.35 «В мире кино».
18.50 «Под углом 23,5».
19.15, 21.20 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Журналист таҳлили».
20.20 «Нима учун?»
21.00 «Оқшом наволари».
21.35 «Тв юрист».
21.40 «Сиз кутган учрашув». Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир.
22.10, «Тв анонс».
22.15 «Индаба». Т/с.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Весёлые старты».
9.50. «Ваш соперник гроссмейстер».
10.10 «Город мастеров». Х/ф сказка.
11.30 Музыкальный марафон.
12.10 «Проф-РИНГ».
12.55 «Мой кузен Винни». Х/ф.
15.00-15.45 «Аптека слушает».
18.00 «Звёзды надежд».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм - аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Ровесник».
20.40 Идолы.
21.10 «Народные игры».
21.30 «Талқин».
22.00 «Чёрный рыцарь». Х/ф.
23.30 Еврофутбол.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 3003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5